Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 109 (4804).
15 МАЙ 1982 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тонгги газеталарда

Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев бошқараётган «Союз Т-5» космик кемаси Москва вақти билан соат 11 га қадар ер атрофини 14 марта айланди.

Кема ҳаракати тўғрилаб қўйилгандан кейин унинг орбитаси параметрлари қуйидагича:

— ер юзидан максимал олислиги — 326 километр;

— ер юзидан минимал олислиги — 261 километр;

— айланиш даври — 90,3 минут;

— оғиши — 51,6 градус.

Кеча экипажнинг иш куни эрталаб соат учда бошланди. Космонавтлар кема ичидаги системаларнинг иш қобилиятини, унинг герметиклигини текшириб кўрдилар ва белгиланган программага мувофиқ «Салют-7» станцияси билан туташишга тайёргарликни давом эттирмоқдалар.

Телеметрия ўлчов маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра, «Союз Т-5» кемасининг учиши нормал давом этмоқда.

Анатолий Березовой билан Валентин Лебедев ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ЯНГИ КЎРГАЗМАЛАР

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейи шу кунларда томошабинлар билан айниқса гавжум. Бу ерда яқинда очилган палех санъати кўргазмаси катта муваффақият билан намойиш этилмоқда. Кўргазмага рус палех санъати вакилларининг кўплаб асарлари қўйилган. Улар орасида ёғочга ўйиб ишланган ҳар хил нақшлар, тақинчоқ ва безаклар, манзарали интерьерлар ва бошқа асарлар томошабинларда бой таассурот қолдирмоқда.

Бундан ташқари Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи ва санъат музейи ҳамкорликда уюштирган рассом Маҳмуд Аҳмедовнинг Тошкент Давлат консерваторияси залидаги асарлар кўргазмаси ҳам муваффақият билан намойиш этилмоқда. Бу ерда истеъдодли ёш рассом мўйқаламига мансуб рангтасвир, натюрморт, шунингдек, манзара асарлари кўйилган. Уларнинг кўпчилиги оригиналлиги, образ ва тасвирларнинг юксак бадиийлиги билан кишиларни ҳаяжонлантиради.

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида илгари очилган ёш рассом Шуҳрат Абдурашидов асарлари кўргазмаси ҳам хамон томошабинлар билан гавжум. Музей залларидаги янги кўргазмалардан ташқари турли жанрларга оид бадиий мукаммал санъат асарлари билай бойиб бормоқда.

ЭНГ ЯХШИ ҚУШИҚЛАР УЧУН

БУГУН

пойтахтимиздаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғида ватанпарварлик қўшиқларининг энг яхши ижрочиси бўйича умумшаҳар конкурси бошланди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг шаҳар Маданият бошқармаси ташаббуси билан ўтказилаётган конкурсда икки кун мобайнида ватанпарварлик мавзусидаги ҳамда жанговор қўшиқлар, ҳалқ ва адабиётдиний композициялар тингланади. Ўнда пойтахтимиздаги маданият уйлари; маданият саройлари, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, уларнинг энг истеъдодли қўшиқчилари иштирок этади.

Ватанпарварлик қўшиқлари конкурсида маданият уйлари ва саройлари коллективларидан ташқари касаба союзларга қарашли бадиий коллективлар ҳам қатнашади.

Тошкентнинг якшанба куни

✦ ИШЧИ КОЛЛЕКТИВИ АНЪАНАСИ

ХОҲЛАСАНГИЗ ҚАТНАШИНГ

«Экспресс» спорт клубида кейинги пайтда янги анъана пайдо бўла бошлади. Ташкилотчилар спортни оммалаштиришни таъминлайдиган тадбирларни амалга оширишни одат қилиб олдилар. Эртага «Локомотив» спорт комплексининг янги биносида оғир атлетика бўйича клуб биринчилиги ўтказилади. Бу баҳсларда иштиёқи бўлган ҳар бир киши қатнашиши мумкин. Биринчилик мусобақаларида қатнашганлар ўзларининг спортнинг бу тури бўйича кўникмаларини суновдан ўтказадилар. Мутахассислар эса уларнинг энг яхшиларини секцияга қабул қилиш имконига эга бўладилар.

2-вагон депосининг 20 кишидан иборат вакиллари Хўжакент дам олиш зонасига борадилар. Улар туризм бўйича ГТО комплекси нормативини бажариш учун ташкил қилинган мусобақада иштирок этишади. Қатнашчилар уч маршрут бўйлаб баҳс юритадилар.

Шу депонинг 21 кишидан иборат вакиллари Душанбе шаҳри бўйлаб уч кунлик саёҳатга жўнаб кетишди. Уларнинг орасида ишлаб чиқариш илғорлари, социалистик мусобақада намуна кўрсатаётган комсомол-ёшлар бригадаларининг аъзолари бор.

Темирйўл бошқармасининг ҳисоблаш маркази бўлимининг 15 кишидан иборат вакиллари Сирдарё яқинидаги «Меҳнат» базасида ҳордиқ чиқарадилар. Уларнинг ҳаммасини овчилар деб аташ мумкин. Балиқ тутишнинг ўзига хос гашти бор. Базага келганлар бу соҳада кимнинг омади юришганлигини амалда синаб кўрадилар.

Қисқа қилиб айтганда, бу ишчи коллективларида дам олишни ташкил қилиш бўйича карор топаётган янги анъаналар ишни унумли бўлишини таъминлаш билан бирга ишчи ва хизматчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишини таъминламоқда.

✦ МАДАНИЯТ САРОЙИДА

КАСБ БАЙРАМИ

«Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройида касб танлашга бағишланган байрам бўлади. Байрамда ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар, ёшларнинг мехрибон мураббийлари иштирок этадилар. Ишлаб чиқариш командирлари тўпланган ёшларга касбнинг моҳияти, унинг инсон шахсини камол топтиришдаги роли ҳақида сўзлаб берадилар.

Ҳамза ва Ленин районидаги мактаблар ва 127-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчилари иштирок этган бу касб байрамида шу билим юртининг ўқувчилари томонидан тайёрланган янги кийимларнинг моделлари намойиш этилади.

Эртага «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройининг «Ёшовозлар» вокал-чолғу ансамбли СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган ёшлар ватанпарварлик қўшиқлари конкурсида иштирок этади. Кечкуруч эса маданият саройининг вакиллари Ўрта Чирчиқ районидаги чорвачилик совхози, Терешкова ва Ленин номли колхозларга жўнаб кетишади. Ансамбль қатнашчилари бу хўжаликларда янги программада концерт номерларини намойиш этадилар.

✦ ТОЗА ҲАВО — ТАНГА ДАВО

ЁЗГИ МАВСУМНИ БОШЛАШДИ

Акмал Икромов ва Чилонзор райони меҳнаткашларининг вакиллари Чимён дам олиш зонасида ёзги мавсумни бошладилар. Кеча шаҳар саёҳат ва экскурсиялар бюросининг биноси олдидан дам олиш зонасига бир неча автобус жўнаб кетди. Бу автобусда дам олиш учун бораётганлар орасида Акмал Икромов район социал таъминот бўлими, касаба союзлари область комитети, «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, район маориф бўлимининг вакиллари бор эди.

Чилонзорликлардан эса ёзги дам олиш мавсумини халқ маорифчилари, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Програжданстрой», «Ташметрострой», «Узгипрозем» институти ва «Восток» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективлари бошлаб беришди. Дам олиш зонасида бўлган ҳамшаҳарларимиз қизиқарли спорт мусобақаларида иштирок этадилар. Шунингдек, тоғнинг соф ҳавосидан бахраманд бўлиб, янги куч-қувват тўплаб хонадонларига қайтишади.

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ШАҲДАМ ОДИМЛАРИ



...кунларда Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-филиали кол... СССР 60 йиллигини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб ...и фидокорона меҳнат қилмоқда. Филиалнинг пешқадам ишчи... аъзоси Н. Климина эришаётган муваффақиятлар, ай... ...ичли бўлмоқда. Бу илғор ишчи смена топшириқларини 115-... етказиб бажармоқда.

...Климкина.

Х. Мирзакаримов фотоси.

...ИНГИ САФДА

...асини бир қанча орден ва медаллар безаб турибди. 30 йилдирки у фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. А. Я. Граник, А. А. Тарантул, И. И. Кишин, Д. И. Кузьмина, М. Уйбеков, А. Ершов сингари ишчилар ҳам узоқ йиллардан бери ишлаб, кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборини қозонмоқдалар. Заводимиз коллективи бундай уруш ва меҳнат ветеранлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Якинда корхонамизда бўлиб ўтган танталанли маросимда завод директори З. Собиров ана шу ветеранлар номини фахр билан қайд қилиб, уларнинг меҳнатда жамоат ишларида кўрсатаётган фидойиликлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ эканлигини яна бир бор уқтириб ўтди. Шу маросимда бу ветераналарга фахрий ёрлиқлар ва қимматли совғалар топширилди. Улар шаънига дил сўзлари изҳор этилди.

Корхонамиз ёшлари ана шу ветеранлардан ибрат олиб фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Улар ишлаб чиқараётган кенг истеъмол буюмларига талаб кун сайин ошиб бораяпти. Буни ҳис қилган завод коллективи ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар хилларини янада кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда.

«СССРнинг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оламиз» — корхона коллективининг аҳди шундай. Ана шу юксак аҳдга вафо қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Биз бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан самарали ишлашга аҳд қилганмиз. Юбилей йили учун зиммата олган юксак мажбуриятларимиз биздан ана шундай ишлашни тақозо этяпти.

О. КАРИМОВА,
Тошкент пластмасса ва химия маҳсулотлари заводининг инженер-технологи.

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВ

...йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини тобора ошириб бормоқдалар. Бригадаларо йўлга қўйилган ўзаро социалистик мусобақа натижасида меҳнат унумдорлигини оширишнинг янги резервлари қидириб топилмоқда. Ой сайин ўн минглаб сўмлик ёқилғи ва эҳтиёт қисмлар тежаб қолинмоқда.

Т. Гуломов етакчилигидаги 32 маршрут аҳли доимо социалистик мусобақа пешқадами бўлиб келмоқда. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Т. Гуломов бошлиқ бу коллектив ой сайин пландаги 200 минг ўрнига 220-225 минг йўловчига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бунга улар ҳаракат графигига қаттиқ амал қилишлари ва машиналарнинг техник соазлигини тўла назорат қилиб боришлари орқали эришмоқдалар.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ ОШДИ

«Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи янги техникани жорий этиш натижасида йил бошидан бери бир миллион сўмликдан кўпроқ маблағни тежади.

Йил бошидан бери ўн тўққизта тадбир амалга оширилди. Жумладан, 05-цехда ишга туширилган фин фирмасининг шаҳар телефонлари учун кабель ишлаб чиқарадиган «Ноциа» автоматик линиясидан тўрттаси ўрнатилди.

Бунинг натижасида цехда машиналар миқдори икки баравар камайган ҳолда, меҳнат унумдорлиги уч баравар ортди. Агар битта эски линия минутига ўртача 700 метр кабель ишлаб чиқарса, янгисида 1800 метр кабель ишлаб чиқарилмоқда. Линиянинг максимал қуввати эса 2400 метрдан иборат.

Мис симни қуйдиришнинг автоматлаштирилганлиги маҳсулот сифатини анча ошириш имконини берди, меҳнат шароити яхшиланди.

Линияда контейнерлар илгаригисидан фарқли равишда автоматик алмашинади.

Н. СКРИПЛЕВ.

Республика бўйлаб

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги очилган ёш олимлар мактабининг диққат марказида илмий-техника тараққиётининг актуал проблемалари турибди. Турли фан тармоқларининг пешқадам мутахассислари ёш тадқиқотчилар билан учрашиб турадилар. Улар янги илмий ғоялар, техникавий ечимлар ҳақида ҳикоя қиладилар, янгиликларнинг жорий этилиши натижалари билан таништирадилар.

* * *

Пойарик районидаги Димитров номли совхоз фермасида илмий конференция ўтказилди. Самарканд қишлоқ хўжалик институти ветеринария факультетининг олимлари чорвадорлар ҳузурида меҳмон бўлиб, чорва молларининг касалланишини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш тўғрисида гапириб бердилар. Янги диагностика усулларини намойиш қилдилар. Бундай конференциялар анъанага айланди.

* * *

Қадимги моҳир наққош ов манзарасини ифодалаган ноёб шамдон Бухоро областидаги ўлкашунослик музейи экспозициясини бойитди. Бу шамдон тахминан беш юз йил аввал ясалган бўлиб, мутахассислар фикрича, ўрта аср ҳунармандларининг бадиий диди юксаклиги ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатларининг чиройли безаги бўлиб хизмат қилади.

(ЎзТАГ).

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

Собир Раҳимов районидаги Мукимий номли маҳаллада ўтказилган маросимга уруш ветеранлари ва маҳалла активлари, ота-оналар, ёшлар тўпландилар. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги полковник Ҳаким Усмонхўжаев уруш йиллари бошидан кечирган воқеаларни ҳаяжон билан гапириб берди.

Ватан озодлиги йўлида жон фидо этган қаҳрамонларнинг оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди. Аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ишларни яхши олиб бораётгани учун маҳалла комитети раисининг ўринбосари, уруш қатнашчиси, меҳнат ветерани У. Исломов ва халқ маорифи аълочиси О. Қаюмовлар район ижроия комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар.

А. Икромов районидаги Ойбек номли маҳаллада ҳам маҳалла активларининг ташаббуси билан кеча бўлиб ўтди. Бу маҳаллада 25 дан зиёд ветеран борлиги аниқланди. Маҳалла комитетининг раиси, филология фанлари кандидати, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими Мамасодиқ Ҳусаинов раҳбарлигида ветеранларнинг ҳаёти ва фаолияти ўрганилди.

Ветеранларнинг ҳужжатлари, эсдаликлари асосида филология фанлари кандидати Ш. Турдиевнинг тантанали байрам кечасида ўтказган лекция—суҳбати йиғилганларга манзур бўлди.

Ветеранларга эсдалик совғалари ва гуллар тақдим этилди. Райондаги А. Қаҳҳор номли маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ўз санъатларини намойиш этиб, йиғилганларнинг дилини хушнуд этдилар.

З. ШОКИРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Юнусобод массивидаги СВ—4в микрорайонида янги типдаги беш қаватли турар жой бинолари бунёд этилмоқда.
СУРАТДА: шундай бинолардан бирининг кўриниши.

Х. Мирзакаримов фотоси.

Анъанавий конференция

Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети гуманитар факультетлари учун инглиз тили кафедраси ва махсус кафедраларнинг биргаликда уюштирадиган студентларнинг инглиз тилидаги конференциялари йилдан-йилга анъанавий тус олмоқда. Жумладан, яқинда юридик факультетида бўлиб ўтган студентларнинг инглиз тилидаги 41-илмий конференцияси СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланди.

Бу конференцияда Тошкент Давлат университети гуманитар факультетлари ва Тошкент Давлат университети гуманитар факультетлари учун инглиз тили кафедрасининг бошлиғи, филология фанлари кандидати, доцент Т. Иноятов ва шу кафедранинг катта ўқитувчиси В. Кузнецова ва бошқа ўқитувчи ҳамда студентлар иштирок этишди.

Конференцияда V курс студентларидан М. Раҳматуллаев, Б. Мазалов, Н. Хайрулина ва бошқалар сўзга чиқишиб, ўзларининг диплом ишлари мазмуни ҳақида ва уни инглиз тилида қандай ёзганлиги ва қандай ҳимоя қилганликлари ҳақида гапириб, йиғилганларга катта қизиқиш уйғотдилар.

Айниқса, М. Раҳматуллаевнинг «СССРда чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати» ҳақидаги нутқи конференцияда иштирок этган кўпгина вьетнамлик, афғонистонлик студентларнинг диққатини ўзига жалб этди.

Конференция тўла инглиз тилида бўлиб ўтди ва йиғилиш қатнашчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Ҳ. МУҲАМЕДОВ.

СИФАТИ ЯХШИЛАНГАН МАҲСУЛОТ

Тошкентдаги лак-бўёқ заводида лак ва эмалларни фильтрлайдиган янги комплекс жорий этилди. Корхона рационализаторлари ишлаб чиққан бу ускуна маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради. Корхонада ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, бўёқлар сифатини яхшилаш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳозир Тошкент химиклари ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг ўн беш процентига сифат белгиси қўйилмоқда. Беш йиллик охиргача бориб, бу миқдор бир ярим баравар ортади.

(ЎзТАГ).

ҲАМЗАХОНЛИК КЕЧАСИ

СССР 60 йиллиги олдидан Тошкент шаҳар А. Икромов районидаги В. И. Ленин номли 116-мактабда яқинда Ҳамза Ҳакимзода ижодига бағишланган адабиёт кечаси бўлиб ўтди.

Кечада Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, ҳамзашунос олим, филология фанлари доктори, профессор, Лазиз Қаюмов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад сўзга чиқиб, Ҳамзанинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб берилди. Шунингдек, кечада В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, КПСС XXVI съезди делегати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назрулла Маннопов, район халқ маорифи бўлимининг раҳбарлари, маҳалла активлари, ота-оналар ва шу мактаб педагоглари ва ўқувчилари қатнашдилар.

Ўқувчилар Ҳ. Ҳакимзоданинг «Бой ила хизматчи» драмасини намойиш этдилар. Асарни шу мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Тўйчи Аҳмадкабиров саҳналаштирган.

Кеча сўнггида мактаб директори Рустам Абзалов сўзга чиқиб, кеча қатнашчилари ва меҳмонларга бутун мактаб педагог ва ўқувчилари номидан қизғин миннатдорчилик билдирди.

Т. СОДИҚОВ.

ТАБИАТ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Тошкентда шаҳар табиат байрами бўлиб ўтди. Қуш ва гулларнинг юзлаб ишқибозлари ажойиб коллекцияларни томоша қилиш, қуш боқаётган ҳаваскорлар, ёш натуристлар билан танишиш учун Ленин комсомоли номли боғнинг дам олиш зонасига ташриф буюрдилар. Байрамда Республика табиат музейи, Ўрта Осиё ҳайвонот боғлари бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи иштирок этди. Ботаника боғи нодир табиат бурчаги бўлибгина қолмай ўсимликларни кўпайтириш ва иқлимга мослаштириш билан шуғулланувчи йирик илмий-тадқиқот институти ҳамдир. Ҳозир унинг коллекциясида 6000 дан зиёд турдаги ва шаклдаги ўсимликлар бор. Ботаника боғи шаҳримиз ва республикамизни ободонлаштириш учун 300 хилдан зиёд турли дарахтларни, бута ва чурмовиқларни, юз хилдан зиёд ўт навларини етказиб берди. Зиёратчилар ўз гулчиларининг маҳсулотларини Ҳиндистон, Сурия, Польша, Болгария ва бошқа мамлакатларга жўнтаётган Ботаника боғи ҳақида кўпгина қизиқарли маълумотларни билиб олдилар.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг табиат ва саломатлик цехи ҳақида кўп ёзилган. Ҳозирча у коллекциясида қушлари бўлган ягона корхонадир. Ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари бу ерга тез-тез келиб туришади. Кўргазмада томошабинлар ана шу ажойиб табиат бурчаги билан ҳам танишдилар.

Сайроқи ва манзарали қушлар секциясининг раиси М. Н. Отабеков ҳаваскор Б. А. Симонов билан бирга ўз коллекцияларини намойиш этди. Ана шу таниқли қушшуносларнинг коллекциялари Чехословакиядаги халқаро виставкаларда бир неча марта намойиш этилган. Ўзбекистон қушларининг коллекцияси совринлар, олтин медалларга сазовор бўлган. Табиат муҳлислари кактусларнинг ажойиб коллекциясини ҳам кўздан кечиришди.

Концерт программаси ҳам қизиқарли бўлди. Ана шу маросимга боғнинг болалар сектори «Табиатни авайланг» композициясини тайёрлаган эди. Томошабинлар олдида «Кўзгу», «Қизил чиннигул» вокал-чолғу ансамблари, «Баёт» ҳалқ вокал-хореография ансамбли ўз маҳоратини намойиш этди.

телетайп лентасидан

⊙ БОННГ Ғарбий Германиядаги 900 дан ортиқ федерал ва маҳаллий ташкилот «Ҳамза—тинчлик учун курашга» Мурожаатномасига имзо чекди. Мазкур Мурожаатнома НАТОга аъзо бўлган мамлакатлар давлатлари ва ҳукуматлари бошлиқларининг 10 июнда Боннидаги учрашувига қарши қаратилган. ГФРда НАТО мамлакатлари бошлиқларининг учрашувига қарши норозилик намойишининг ташкилотчилари бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда маълум қилдилар.

ГФР демократик жамоатчилиги бу учрашувни «барча тинчлик тарафдорларига нисбатан иғвогарлик» деб баҳоламоқда, дейилди матбуот конференциясида. Шунинг учун ҳам 10 июнда бўладиган намойишда ГФРнинг юз минглаб граждан лари — партиялар, жамоат, диний ташкилотларнинг намояндалари, ер юзида тинчликни қадрловчи барча кишилар иштирок этадилар. НАТОга қарши намойишда қатнашиш учун бу ерга АҚШ, Голландия, Швейцариядан тинчлик учун курашувчилар вакиллари, Африка, Осиё ва Лотин Америкасидан делегациялар келади.

⊙ МАНАГУА. Қўшма Штатлар сандиночи халқ революциясига нисбатан ўзининг агрессив ниятларидан воз кечгани йўқ, деди Сандиночи миллий озодлик фронти миллий раҳбарлиги сиёсий комиссиясининг координатори Бейардо Арсе «Патрия либре» журналининг мухбири билан суҳбатда.

Рейган маъмурияти, деди у, никара мамлакат ўртасидаги муносабатларни изга солиш тўғрисида музокаралар бошлашнинг конкрет мулдатини белгилаш тўғрисида Никарагуанинг таклифига шу вақтгача жавоб бермади. АҚШ БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг Марказий Америкадаги аҳволни нормаллаштиришга қаратилган резолюциясини барбод этди, бунинг устига Никарагуа сохилларида Қўшма Штатларнинг ҳарбий кемалари пайдо бўлди. Американинг жосус самолётлари территориямиз устида разведка мақсадида учишлари кўпайди.

⊙ ТОКИО. Капиталистик дунёда савдосотиқ соҳасидаги зиддиятларнинг кескинлашаётганлиги Япония экономикасига оғир таъсир кўрсатмоқда, деб ёзади Японияда чиқадиган «Бизнес эйша жапан» газетаси. Шу йил январидан бошлаб Япония экспорт қилаётган маҳсулотлар тинмай қисқармоқда. Бу, деб ёзади газета, саноат ишлаб чиқаришида турғунликка олиб келади ва ишсизлар кўпайишига сабаб бўлади.

Япония бошидан кечираётган иқтисодий қийинчиликлар АҚШ ўтказаётган юқори процентли ставкалар снёсати натижасидир. Бу снёсат, деб ёзади газета, бошқа мамлакатлар, хусусан Япониянинг жиддий молиявий маҳрумликларига сабаб бўлади.

⊙ МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикасига визит билан келган Луанда Республикаси ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик министри Франсуа Нгарукийнтвали Луанда Намибия тўғрисидаги масалада Африка бирлиги ташкилотини қўллаб-қувватлайди деди. У матбуот конференциясида сўзга чиқиб, Жануби-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО) раҳбарлигида ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган мазкур мамлакат халқининг орзу-умидларига муваффақ тарзда ҳал этилиши лозим, деб уқтириб ўтди.

(ТАСС).

СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта!

Мусобақа — зафарга чорлайди

«Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида 173 минг квадрат метр уй-жой қурамиз, 60 рационал заторлик танлифи киритиб, улардан 140 минг сумлик соф фойда оламиз. 44 та янги объектда меҳнатни Н. Злобин методи асосида ташкил қиламиз. Қурилиш материалларидан ҳам тежаб-тергаб фойдаланамиз. Жумладан: 370 тонна цемент, 124 тонна металл, 60 метр кубёғоч, 462,2 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қоламиз».

Ушбу рақамлар 2-уйсозлик комбинатининг 1982 йил учун қабул қилган социалистик мажбуриятларида қайд этилган. Хўш, уйсозлар социалистик мажбуриятларини қандай бажаряптилар? Хусусан, комбинатда социалистик мусобақа қандай ташкил этилган? Комбинат партия комитетининг секретари Р. ҲИКМАТУЛЛАЕВ жамоатчи мухбиримизга шу хусусда ҳикоя қилиб берди:

— Аҳдига вафодор комбинатимиз қурувчилари «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остидаги мусобақада актив иштирок этиб, планларининг ўз вақтида, бажарилишига эришаётирлар. Комбинатимизга бирлашган 8 та қурилиш бошқармаси ва темир-бетон конструкциялари заводи ўртасидаги социалистик мусобақага ҳар ҳафтада якун ясалмоқда.

Мусобақа программаси ҳар кимнинг ўз меҳнатига яраша муносиб баҳосини аниқлаб беради, унинг янгидан-янги имконият уфқларини очади. Кўп йиллардан бери коммунист Зинаида Короб-ко бошлиқ пардозловчилар биринчиликни қўлдан бермай келаётир. Бригадада ишлар қўпгилдагидек ташкил қилинган. Мусобақа шартлари билан ишчилар яқинда таниш. «Мусобақа экрани» бурчаги ташкил қилинган. Зинаида бош бўлган бригада 25-қурилиш бошқармасининг В. Воценко етакчилигидаги бригадани социалистик мусобақага чақирган. Инл. бошидан бери ахил коллектив 6 та объектни сифатли пардоздан чиқаришга муваффақ бўлди.

Ўз-ўзидан равшанки, мусобақа ишлаб чиқариш қувватларини оширишга, сифатли меҳнат учун мунтазам курашишга, материаллардан оқилона тежаб-тергаб фойдаланишга, ишчиларнинг жамоат активлигини янада оширишга катта ёрдам беради. Илғорларга — мукофотлар, қизил вимпеллар, совға буюмлари топширилади. Илғорларнинг расмлари бошқарма бинолари олдидаги «Ҳурмат тахта»ларига қўйилади.

Комбинатимиз эса 1-уйсозлик комбинати билан ўзаро мусобақалашиб келади. План ва топшириқларини 28 декабргача сўзсиз бажарилишига аҳд қилган ахил коллективимизнинг ҳамиша мусобақанинг олдинги сафида бўлишига ишонҳимиз комил.

Комбинатимиз Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг энг кенжа қурилиш ташкилотларидан бири ҳисобланади. Лекин қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш планларини ошириб бажаришга эришиб, мусобақанинг олдинги сафига ўтиб олди. Дастлаб 4—5 қаватли уйлар қурган бўлсак, эндиликда ҳар томонлама қулай бўлган А—9 серияларидаги кўп қаватли биноларни бунёд этяпмиз.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, объектда ишлар қизғин паллага кирган пайтда зарур материаллар танқислигига дуч келамиз. Таъминотчи ташкилотлар қурилиш материалларини ўз вақтида етказиб беришга улгурмаётирлар. Натижада объект белгиланган муддатдан кечикади. План ўлдажўлда қолади. Бу нарса ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилаётган коллективлар ишига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Ёки иккинчи воқеани кузатайлик. Биринчи объектга икки-уч кунга етадиган материал олиб келинди, дейлик. Иккинчи объектга шу бугунга етадиган зарур материаллар олиб келинади. Хўш, хулоса нимада? Хулоса шуки, иккинчи объект қурувчилари ғайрат қилишса, зарур материаллар-ни тушликкача ишлатиб бўлишлари мумкин. Ундан кейин эса кечгача, смена тугагунга қадар бекор қолинади. Бу ишни тўғри ташкил қила билмаслик оқибатидир. Бундай аҳвол билан келишиб бўлмайди.

Шу кунларда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг серқуёш республикамизга учинчи Ленин ордени топширилиши муносабати билан сўзлаган сермазмун нутқларининг таъсири остида яшаб меҳнат қилмоқдамиз. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ички резервларни ишга солиш, қурилиш техникаси, маблағ ва материаллардан самарали фойдаланиш, бригада методини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларини ишда дастуриламал қилмоқдамиз. Ҳозир комбинатимизда бригада методи кенг қулоч ёймоқда.

Суҳбатни Ш. МАШАРИПОВ ёзиб олди.

Ёзги агитация майдонларида суҳбатлар

Халқ бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик — совет давлатининг олий мақсадидир. Тошкент тракторсозлари шаҳарчасининг ёзги агитация майдончаларида ана шундай мавзуда суҳбатлар ўтказилди. Агитаторлардан Е. Микрюкова, Г. Белих, А. Пак ва бошқалар янги микрорайонларнинг аҳолисига ҳар йили трактор заводини янада ривожлантириш учун, машинасозларнинг турмуш шароитни яхшилаш учун кўп ишлаб маблағ ажратилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар. Маҳаллий Советлар депутатларининг фаол иши, тўфайли сайловчиларнинг наказларини бажаришда ўзгаришлар рўй берди. Аҳоли яшайдиган массивда кейинги икки йил мобайнидагина ўнлаб янам ўй-жойлар қурилди. Бу ўй-жойларга тракторсозларнинг саккиз юздан кўпроқ оиласи кўчиб кирди. Магазинлар сони икки баравар кўпайди, иҳтиҳоз бозори, ёзги кинотеатр қурилди. Ҳар бири 320 ўринга мўлжалланган иккита болалар комбинати ишга тушди. Маҳаллий Советларнинг депутатларидан токарь А. Кутранова, инженер В. Мороз ва бошқалар қурилишнинг боришини назорат қилиб турдилар ва мактабгача тарбия муассасаларини муддатидан илгари фойдаланишга топиришга эришдилар. Трактор заводининг юзлаб агитаторлари халқ депутатлари маҳаллий Советларига ва халқ судьялигига ўтказиладиган сайловга бағишланган ахборот қунида қатнашдилар. Улар юрхонани ва тракторсозлар шаҳарчасини ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапириб бердилар.

Заводнинг кўпгина ходимлари ва микрорайонларининг аҳолиси шу кунларда маданият саройида жойлашган агитпунктга келмоқдалар. Бу ерда ҳар бир киши юридик консультация олиши, сайловчилар наказлари дафтарига ўз таклифини ёзиб қўйиши мумкин. СССР Конституциясига, КПСС XXVI съезди қарорларининг амалга оширилишига бағишланган тематик кечалар маданият саройида эҳтиёж муваффақият билан ўтди.

(ЎзТАГ).

Тошкент химия-фармацевтика заводи гален цехи коллективи СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига давом этаётган социалистик мусобақада фаол иштирок этяпти. Айниқса, шу цехнинг аптечкалар тайёрлаш участкаси ишчилари тез ва соз меҳнат қилишда ҳамкасбларига намуна бўлишяпти.

СУРАТДА: аптечкалар тайёрлаш участкасининг смена топшириқларини мунтазам ортиги билан адо этаётган илғор ишчиларидан (чапдан-ўнгга) М. Маҳмудова, С. Рихсиева ва Н. Бойқўзиева ўртоқлар.

М. Нуриддинов фотолари.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида УПХ—1,5 «В» маркали янги типдаги кўрак чувиш машинасини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

СУРАТДА: 5-цехнинг илғор йиғувчи-слесарлар бригадаси бошлиғи Носир Мақсудов ва шу цех раҳбари Владимир Ходоренко янги типдаги УПХ—1,5 «В» маркали кўрак чувиш машинасини йиғиш жараёнида.

20 июнь — маҳаллий Советларга ва халқ судларига сайловлар куни

ХАЛҚ ИШОНЧИ

Касбга бўлган қизиқиш ёшларда ҳар хил пайтда пайдо бўлади. Кимдир ўқувчилик пайтидаёқ бирор касбни севиб қолади. Бутун фикри-зикри тезроқ ўрта мактабни тугаллаш ва шу касбни ўрганиб олишда бўлади. Бошқа биров эса етуклик аттестати олгандан кейин ҳам ўзининг қайси соҳага мойиллигини анча вақтгача билолмай гаранг бўлиб юради.

Илҳомжон биринчи тоифадаги ёшлардан эди. У дилидаги орзусини ҳеч кимга айтмаса ҳам отаси Улуғ Ватан уруши ветерани Воси ака ўғлининг ниятини сезарди.

Урта мактабни битирган йигит Совет Армияси сафларида хизмат қилди. У ҳарбий қурувчи сифатида зиллиладан зарар кўрган Тошкентни қайта тиклашда иштирок этди. Бу ҳақда ўша пайтда чиқарилган «Тошкент» китобида шундай сатрлар бор: **«Ҳарбий қурувчилар орасида ўзбек йигитлари ҳам бор эди. Улар бепоён Ватанимизнинг турли шаҳарларида муқаддас бурчларини ўтаётган эдилар. Тошкентликлар бошига тушган ташвишни енгиллаштириш мақсадида минг-минглаб кўнгиллилар қаторида улар ҳам Тошкентга малҳам қўйишга келишди. Илҳомжон Воснев ва унинг тенгқурлари узоқ Белоруссияда хизмат қилишаётган экан. Қўмондонлик уларни умумхалқ қурилишига, Тошкентга йўллаш ҳақида буйруқ берганида Илҳомжонлар жонажон пойтахтларининг тикланишида шахсан ҳисса қўшишларидан хурсанд бўлишди».**

Ҳарбий хизматни тугатгач, Илҳомжон ёшликдаги орзуни амалга оширишга интилди. Тошкент Давлат университети юридик факультетининг кечки бўлимига қабул қилинди. Айни пайтда Тошкент шаҳар Фрунзе район халқ судида суд ижрочиси вазифасида меҳнат фаолияти бошланди.

Бу вазифа чет кишига анча оддий туюлса ҳам аслида тинимсиз меҳнатни талаб қиладиган иш. Чунки суд қарорларининг ҳаммаси ана шу ходим қўлидан ўтади. У суд қарорларининг ижросини амалга оширади. Иш жараёнида ўнлаб кишилар билан муомала қилади. Мана, бир мисол. Илҳомжон янги ишга келган пайт эди. Унинг ҳузурига бири беш ёшлар, иккинчиси етти ёшлар чамасидаги икки қизчани етаклаган аёл кириб келди. Аёл нималандир қаттиқ хафа бўлган шекилли ўпқа-сси тўлиб йиғлаб юборди.

— Эрим билан ажралишганимизга уч йил бўлди. Аввал алимент юбориб турарди. Тўрт ойдан бери...

Аёл яна йиғлашга тушди. Маълум бўлишича унинг эри иш жойини ҳам, турар жойини ҳам ўзгартириб алимент тўлашдан қочиб юрган экан. «Нақотки ота ўзининг гулдек икки фарзандини унутиб юборган бўлса» ёш суд ижрочисининг хаёлидан шу фикр ўтди.

— Сизга, албатта, ёрдам берамиз. Кейинги ҳафта хабар олинг, — деди хаёлини бир жойга жамлаб.

Аёл чиқиб кетди. Шундан кейинги бир ҳафта судининг ёш ижрочиси учун ҳақиқий синов даври бўлди. У суд ишларини юритиш бўйича адабиётларнинг тегишли бандларини яна бир бор кўздан кечириб чиқди, тажрибали ҳамкасбларидан маслаҳат сўради. Фарзандларига алимент тўлашдан қочиб юрган кишининг янги ишхонасини ҳам, турар жойи адресини ҳам топди. Шундай қилиб дастлабки синовдан муваффақиятли ўтди.

Беш йилдан кейин университетнинг юридик факультетини муваффақиятли тугаллаган Илҳомжон Воснев Фрунзе район халқ судьялигига сайланди. У халқ судьяси сифатида жуда кўп ишларни кўриб чиқди. Ҳаётнинг чалкаш муаммолари билан тўқнашди. Юридик тажрибаси ўсди. 1981 йил январида И. Воснев Фрунзе район халқ судининг раиси этиб сайланди.

Район халқ судининг йигирма кишилик коллективи икки йилдан бери жиноий ва гражданлик ишлари бўйича нуқсонсиз ишлаяпти. Бунда суд раисининг муносиб ҳиссаси бор, албатта. Коллектив турли корхоналар ва ташкилотлар билан яқин алоқада ишлаяпти. Аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши тушунтириш ишлари изчил олиб борилмоқда. И. Воснев ўзи «Таштекстильмаш» заводи, тўқимачилик комбинати, пойафзал фабрикаси ишчилари ҳузурида бўлиб, тез-тез суҳбатлар уюштиради.

Узбекистон ССР Юстиция министрлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган, бир неча марта ташаккурномалар олган И. Воснев яқинда 1-пойафзал фабрикаси коллективи халқ судьялигига яна номзод қилиб кўрсатди. Бу унга бўлган катта ишончдан далолат беради.

М. МУРОДОВ.

ШАҲРИМ — ФАХРИМ

Балконлар — шаҳримиз кўрки

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантириш учун аҳоли ўзлари истиқомат қилиб турган уйлари атрофини, подъездларни намунали асраш, территориялар, квартираларининг санитария ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда. Бу — албатта мақтовга лойиқдир. Лекин баъзи бир корхона ва ташкилотлар, аҳоли гўзал шаҳримиз қиёфасига доғ туширгиси, турар жой биноларидан балконларига кераксиз буюмларни осмоқдалар, уй атрофини чиқиндилар билан тўлдирмоқдалар. Бунга мисол қилиб Луначарский шоссесидаги 52-уйнинг 27-квартирасида яшовчи Малигина, Космонавтлар проспектидаги 28-уй, 28-квартирада истиқомат қилувчи Стороженко, Олмазор кўчасидаги 16-уйнинг 88-квартирасида яшовчи Зиёвуддинов, 68-квартирада истиқомат қилувчи Олимхўжаева, «Марказ—26» квартасидаги 3-уй, 42-квартирада яшовчи Усмоновларни кўрсатиш мумкин.

Шаҳар ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бўлими хизматчилари республикамиз пойтахтидаги массивлар ва кварталларни айланиб, ишганда аҳолининг белгиланмаган жойга кўплаб чиқиндиларни чиқариб ташлаётганлигини и н г гувоҳи бўлишди. Жаҳон Обидова кўчасидаги 135, 137-уйлар атрофида, Ҳуршид кўчасидаги 119, 121-уйлар олдида, Чиновод ва Вахш кўчаларида, «Марказ—27» ва 7,8-кварталларида, Қорасув массивида кўплаб чиқиндиларга дуч келиш мумкин.

Бундан ташқари каналлар бўйига ҳар хил чиқиндилар чиқариб ташлаганлар ҳам тартибга чақирилди ёки жарима тўлади. Шпильков проезди, 45-уйда яшовчи Пўлатов, Фаробий кўча, 10-уйда яшовчи Ш. Гафуров, Беруний кўчаси, Садо проезди, 60-уйда истиқомат қилувчи Қ. Қосимова шулар жумласидандир. 5052 киши санитария ва ободончилик бўйича қоидани бузганлиги учун жарима тўлади.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, шаҳримизда яшаб турган ҳар бир аҳоли истиқомат қилиб турган уйига, квартираларининг санитария-техника ва бошқа ускуналарига, ободончилик объектларига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари, уларнинг яхши сақланишини таъминлаш чораларини кўришлари, турар жой биноларидан фойдаланиш қоидаларига риоя этишлари, уйлари атрофида санитария нормаларига риоя қилишлари керак. Хуллас, шаҳримизнинг гуллаб-яшнаши учун барчамиз жон қуйдиришимиз лозим.

М. ЖУРАЕВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси бўлими мойори, милиция майори.

ЖАҲОН ҲОЛАТИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ГЕРМАНИЯ-СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ҲАФТАСИ

БЕРЛИН. ГДРда анъанавий Германия—совет дўстлиги ҳафталиги ўтмоқда. Ҳафталик немис халқи фашизм асоратидан озод этилганлигининг 37 йиллигига бағишланган. Ҳафталик муносабати билан байрам тадбирлари, икки қардош халқ намояндаларининг учрашувлари бўлиб ўтади. ГДРнинг кўпгина шаҳарларида совет жангчиларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги тарихий жасорати тўғрисида, Совет Армиясининг меҳнат қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилувчи виставкалар очилади, янги совет киноленталари намойиш қилинади. Грузиядаги «Рустави» ашула ва рақс давлат ансамбли Берлиннинг ва ГДРдаги бошқа шаҳарларнинг аҳолисига ўз санъатини кўрсатади.

Тантаналарда қатнашиш учун ГДР билан дўстлик совет жамияти делегацияси Берлинга келди.

ЯНГИ КАСАЛХОНА КОМПЛЕКСИ

БУХАРЕСТ. Румния Социалистик Республикасининг машҳур шифобахш курорти Бииле — Еркуланда 1100 ўринли янги касалхона комплекси дастлабки беморларни қабул қилди. Бу комплекс замонавий аппаратлар: диагностика ва химиявий анализ ўтказиш учун электрон приборлар, доимий ва кўчма радио телефонлар билан жиҳозланган.

РСР Соғлиқни сақлаш органларининг моддий базаси йилдан-йилга кенгайтирилмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакат касалхоналарида 200 мингдан кўп ўрин бўлиб, бу урушдан илгаригидагига қараганда олти баравар кўпдир. Шу беш йилликда касалхоналарда ўринлар сони яна 40 мингтага кўпаяди.

60 МИНГИНЧИ АВТОБУС

БУДАПЕШТ. Секешфехервардаги «Икарус» Венгрия заводи филиалининг меҳнаткашлари шонли юбилейни нишонладилар. Корхона цехларидан 60 мингинчи автобус тайёр бўлиб чиқди. Бу машина Совет Иттифоқига жўнатилади.

Автобуслар ишлаб чиқариш миқёси заводда кейинги 20 йил ичида юз баравардан ошди. Завод автобуслар чиқара бошлаган 60 йилларнинг бошларида, беш йил ичида 300 дан сал кўпроқ машина ишлаб чиқаришга эришган эди. Шу беш йилликда эса завод коллективи 40 мингта замонавий шинам «Икаруслар» тайёрлаб чиқарди.

ЗАРБДОР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

УЛАН БАТОР. МХР пойтахтининг илғор ишчиларидан 22 мингдан ортиқ киши беш ойлик топшириқларини Монголия касаба союзлари XII съезди очиладиган кунгача — 20 майгача бажариш мажбуриятини олди. Улан-Батор саноат корхоналари касаба союзларининг яқинлашиб келаётган анжумани шарафига зарбдор меҳнат вахтасида туриб пландан ташқари ўн бир миллион тугрикликдан кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шу май кунларида Монголия пойтахтининг аҳолисигина аъло меҳнат қилибгина қолмай, умумхалқ социалистик мусобақасида турли саноат корхоналарининг эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳам мамлакатнинг ҳар томонидан хушхабар олинмоқда. Масалан, мамлакатнинг жанубий шарқидаги Хар—Айраг конининг интернационал коллективи ойлик топшириқни мунтазам равишда 10 процент ошириб бажармоқда. Замонавий техника ва прогрессив технологиядан, совет кончиларининг илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш бу ерда меҳнат унумдорлигини анча ошириш имкониятини берди.

Экин майдонлари кенгаймоқда

ХАНОЙ. Республиканинг шимолий вилоятларидаги деҳқонлар Вьетнам коммунистик партияси V съезди белгилаган муҳим вазифаларни бажариш йўлида дастлабки қадамларни қўйдилар. Улар ҳозирги экиш компанияси давомида соя майдонларни 32,5 минг гектаргача кенгайтирдилар. Бу эса ўтган йилнинг шу даврида-гидан 72 процент кўпдир.

Вьетнам коммунистларининг яқинда бўлиб ўтган анжумани ҳужжатларида мана шу қимматли қишлоқ хўжалик экинини етиштиришни анча кўпайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган эди. Соя экишни кўпайтириш учун мамлакатда қулай об-ҳаво шароити мавжуд. Вьетнам мутахассисларининг фикрича, соя дарё ирмоқларида, текис майдонлар ва тоғлиқ районларда муваффақият билан етиштирилиши мумкин. Шимолдаги баъзи вилоятларда соядан ҳар йили уч марта ҳосил олинади.

ИНСОНИЯТ ТАҚДИРИ УЧУН

ВАШИНГТОН. Бу ерда ядро уруши оқибатларига бағишланган симпозиум бўлиб ўтди. Симпозиумда сўзга чиққан нотиқларнинг нутқларида инсоният тақдири учун чуқур ташвиш, қуролланиш, пойгасини жиловлашга ва жаҳон ҳалокатининг олдини олишга астойдил интилиш руҳидаги гаплар янгради. «Врачлар социал жавобгарлик учун курашда» ва яшашга қодир дунё кенгаши ташкилотлари Жорж Вашингтон университетида ўтган ана шу анжуманнинг ташаббускорлари бўлди.

Американинг таниқли олими, президентнинг фан бўйича собиқ маслаҳатчиси Ж. Кистяковский қуйидагиларни айтди: ҳар йили қурол-яроғларнинг янги системаларини, чунончи «В—1» стратегик бомбардимончи самолётларни, қитъалараро «МХ»— Баллистик ракеталарини, қанотли ракеталарни ва «Трайдент» ракеталарни яратишга кўплаб миллиард доллар маблағ ажратилмоқда. АҚШ биринчи бўлиб ядро зарбаси уриш эҳтимолини ўзи учун таъминлаб олишга интилмоқда.

Куни-кеча Рейган стратегик қуроллар соҳасида олға сурган «таклиф»дан Ж. Кистявский ҳафсаласи пир бўлганлигини билдирди.

Массачусет технология институтнинг профессори Ж. Визнер расмий Вашингтоннинг Америка Қуролли Кучлари ғўё «заиф», «Совет ҳужуми» олдида улар «ночор» деган даъволарини пропагандадан бошқа нарса эмас, деб атади. Бундай даъволар фактлар билан ва кўпдан-кўп тадқиқотлар билан мутлақо тасдиқланаётгани йўқ.

Ядро уруши муқаррар эмас, лекин хатолар натижасида бундай урушнинг чиқиш хавфи жуда катта бўлиб, қуролланиш пойгасини кучайтиришдан иборат ҳозирги йўл давом эттирилган тақдирда бундай хавф тобора ортиб бораверади, деди.

Америка жамоат соғлиқни сақлаш уюшмаси раҳбарларидан бири, Нью-Йорк шаҳар коллежининг медицина профессори Ж. Гайгер. Қўшма штатлар билан Совет Иттифоқи ўртасида стратегик кучларни тахминий мувозанати мавжуд. Ядро қуролини қўлланиш — ўзини-ўзи ўлдиришдир, деди у.

«Врачлар социал жавобгарлик учун курашда» ташкилотининг президенти Х. Колдикотт ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди: симпозиумларимизда н кузатилган мақсад (Бу эса ҳозирдаёқ саккизинчи симпозиумдир) қуролланиш пойгасининг ва ядро қуролини қўлланишнинг ҳақиқатан ҳам ҳалокатли оқибатларини кишилар онгига етказишдан иборат. Вашингтон навбатдаги симпозиум ўтказиладиган жой қилиб танлаб олинган[illegible] ги ҳам тасод[illegible] эмас, чунки [illegible] маъмурияти, [illegible] ва конгресс[illegible] жойлашган[illegible] ролини к[illegible] тижасида [illegible] ҳам, м[illegible] бўлмас[illegible] шула[illegible] лаб [illegible]

Дадил одим б[illegible]

АДДИС-АБЕБА. Мувақкат ҳарбий маъмурий кенгаш (МХМК) ва Эфиопия меҳнаткашлари партияси ташкилот комиссияси (ЭМПТК) раиси Менгисту Хайле Мариам қуйидагиларни айтди: Эритреяни ривожлантиришдан иборат қўп тармоқли «Қизил Юлдуз» революцион кампанияси муваффақиятли ўтказилганлиги кенг халқ оммаси Эфиопия революциясини қўллаб-қувватлаётганлигидан, революциянинг бош вазифасини амалга ошириш — мамлакатда социалистик жамият барпо этиш учун унинг зўр куч-ғайрат сарфлашга қатъий аҳд қилганлигидан далолат беради. Менгисту Хайле Мариам вилоятнинг маъмурий маркази Асмара шаҳрида давлат ташкилотлари, сиёсий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан учрашувда нутқ сўзлади. Ана шу ташкилотлар революцион ҳукумат Эритреяда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш ва деҳқонлар оммасини уюштириш борасида ишлаб чиққан комплекс программани амалга оширишда қатнашадилар.

Мазкур программа деб таъкидлади Менгисту Хайле Мариам «Қизил юлдуз» кампаниясининг учинчи босқичи бошланганлигини билдиради ва ҳамма жойда меҳнаткаш деҳқонларни революцион жараёнга жалб этишни, уларнинг ижодий активлиги ва сиёсий онгини оширишни мақсад қилиб қўяди.

МХМК ва ЭМПТК раиси вилоятнинг турли шаҳарларида сепаратчилар вайрон қилган корхоналар, мактаблар, касалхоналар, уй-жойлар ва жамоат биноларини қайта тиклаш соҳасида шу йилнинг 1 [illegible] катт[illegible] бажа[illegible] тирди.

Айни[illegible] люцион [illegible] лари сепар[illegible] ларнинг бор[illegible] бўлган р[illegible] яшириган қ[illegible] рига бир қанча [illegible] шатқич зарба бе[illegible] лар. Халққа қарш[illegible] ана шу гуруҳларнинг минглаб собиқ аъзолари ҳаракатнинг асоссизлигига ва сиёсий жиҳатдан ҳеч қандай таянчи йўқлигига ўз тажрибаларида ишонч ҳосил қилиб, ихтиёрий равишда революция томонига ўтдилар.

Ҳозирги вақтда, деб таъкидлади Менгисту Хайле Мариам, орттирилган тажрибани ҳисобга олиб, сепаратчиларга қарши курашиш, шунингдек бунёдкорлик меҳнатида янги ғалабаларга эришиш асосий вазифадир.

ОБЪЕКТИВДА — ИСПАНИЯ.

СУРАТДА: метро станцияларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

АҚШга кўр-кўрона эргашиб

ОТТАВА. Канаданинг АҚШга иқтисодий жиҳатдан кучли қарамлиги саноат ишлаб чиқаришнинг пасайишига ва ишсизларнинг кўпайишига олиб бормоқда. Мамлакат ялпи миллий даромаднинг қарийб чорак қисми АҚШга заранг барги экспорт қилиш йўли билан олинади. Бироқ, АҚШ экономикаси дучор бўлган ва жуда чўзилиб кетган таназзул шароитида Америка бозорида Канада молларига бўлган талаб жуда пасайиб кетиб, Канадада ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига ва ишчиларни кўплаб ишдан бўшатишга сабаб бўлди. Шу йилнинг апрель ойидагина «ортиқча кишилар» 75 минг киши кўпайди ва урушдан кейинги бутун давр мобайнида энг юқори даражага кўтарилди, яъни 1,2 миллион кишига етди. Бу — мамлакатдаги ёлланма ишчи кучининг 9,6 процентини ташкил этади.

Канадада иқтисодий аҳвол тинимсиз ёмонлашиб бораётганлиги сабабли кўпгина таниқли сиёсий арбоблар ва бизнесменлар АҚШга қўр-кўрона эргашишдан воз кечишга ҳаракат қилмоқдалар. «Канаданинг иқтисодий, сиёсий ва социал системаси ҳозирги тенденциянинг давом этишига бардош бера олмайди», — деб огоҳлантиради Канада саноатчилари уюшмасининг президенти Ж. Ж. Ганьон.

Өз-өз ўрганиб дона бўлур...

Хушмуомалали бўлайлик, бу гўзал сифат бахт-саодатнинг туганмас хазинаси эканини унутмайлик.

Адабсизлик жўшқин бир сел оқимидирки, улуғворлик, вазминлик саройини хароб этади.

Ҳасад ва адоватдан сақланайлик, ўт-олов ўтинни қандай ёндирса, ҳасад ва адоват олови эзгу ишларимизни куйдириб, кулини кўкка совуради.

Инсонга шараф ва камолат бағишловчи тарбиядир. Қаровсиз қолган ерда экин-тикин битмагани каби тарбиясиз одам ҳам шараф ва камолатдан маҳрум бўлади.

Онласига хайрли эркак жамиятнинг энг гўзал аъзоси саналади.

Эл муҳаббатининг ўзимизга жалб этилишини истасак, хушмуомалали бўлайлик.

Ҳусайин воиз Кошифий айтади:

Иш юзига фикр ила
ҳарчанд боқдим, англадим:
Яхши иш яхши эканди,
ундан ўзга ҳеч экан.

Ҳикоят: Бир куни баний Исроилнинг мўътабар одамларидан бири Луқмони ҳаким мажлисига келди. Бир қанча одам Луқмони ҳакимнинг одоб-ахлоққа тегишли ваъз-насиҳатларини тинглаб ўтирган эдилар. Ҳалиги мўътабар одам Луқмони ҳакимдан:

— Сен пода боқиб юрган қора хабаш қул эмасмисан? — деб сўради Луқмони ҳаким тасдиқ жавобини бергач, у одам яна:

— Қандай сабаблар туфайли шундай буюк даражага эришдинг? деб сўраган эди. Луқмони ҳаким:

— Шундай буюк даражага уч нарса орқали эришдим: тўғри сўзладим, омонатга хиёнат қилмадим ва олди-қочди маъносиз сўзлашдан чекиндим, — деб жавоб берди.

Байт:

Мардларнинг ишларини
андиша қил,
то тириксан
яхши ишни пеша қил.

Ҳикоят: Бир тулки ҳар тарафга алангламасдан, шошиб-пишиб қочиб борарди. Бир одам ундан сўради:

— Тулкивой, сенга нима бўлди? Қаерга қочиб, боряпсан? — деб сўради.

Тулки:

— Арслонни овлаб қўлга туширар деб эшитдим. Шунинг учун тулкининг сўзидан ... ўйлаб:

— Арслонга ҳеч бир ... орангизда ҳеч қандай ... йўқ-ку, шундай ... нега шошиб-пишиб ...?—деди. Тулки: ... мени йўлдан ... агар ҳасадчи, ... мени кўрса-... «боласи» деса-... ...ирмай-нетмай ...ирадилар! Шу ... гирифтор бў-...ришаман. — деб ...ста бошлади.

...ар,
ҳасадчидан ҳазар,
...келтиргуси
беҳад зарар.

...СНИНГ КИЙИМИ

Ҳикоят: Бир кун номус ўз ...нимини йўқотиб қўйди. Завқ-сафо, бойлик ва куч-қувватга мурожаат этиб, улардан йўқолган кийимини талаб қилди. Буларнинг бириси ҳам унинг кийимини топиб беришдан ожиз бўлдилар. Ниҳоят номуснинг кийимини надомат,

ТУТУН ВА ЧЎҒ-ОЛОВ

пушаймонлик топиб келтирди.

Қисса: Тутун чўғ-оловга зорланиб айтди:

— Онажон, мен сизнинг қизингиз бўлсам ҳам нега доимо қолқораман, сиз эса порлаб, ёниб турасиз, бунинг сабаби нима?

Чўғ шундай жавоб берди:

— Қизим, бу иш янги бир иш эмас, дунёда инсон ўз порлоқлиги билан порлайди. Боланинг порлоқ бўлиши учун бир порлоқ ота-онанинг фарзанди бўлгани кифоя этмайди, яъни олижаноб, фазилатли ота-онанинг шундай гўзал фазилати билангина инсон улардек бўлмайди. Фарзандининг ўзи фазилатни касб этиб олиши керак. Шундагина у фарзанд порлайди, чўғдек ёниб туради.

Ҳисса: Фарзандининг олижаноб, фазилатли бўлишига унинг насл-насаби эмас, ўз гайрат ва жасорати сабабчи бўлади.

Байт:

Киши ўз шамини ёндирмас
эрса
Ёруғликнинг нишонини
кўролмас.

ИЛМ ОДОБИ

Олимлардан Ризоуддин ибн Фахруддин айтади:

— Ҳар бир одам ва ҳар бир элнинг саодатли бўлишига бош сабаб илмдир. Эшилар учун ёмғир, суғориш қандай керак бўлса, одам боласи учун ҳам илм шу даражада кераклидир.

Болаларини илмли, одобли, гўзал тарбияли этиб етиштириш ота-онанинг бурчидир. Муаллимлар ҳам бу муқаддас вазифадан четда эмаслар. Агар муаллим эсангиз, шогирдларингизнинг ҳар бир ҳаракатларини кўз олдингизда тутинг, уларни ҳушмуомалали бўлишга ўргатинг, жамиятнинг фойдали аъзолари этиб етиштиринг.

Агар ёзувчи эксангиз, қаламингизга эга бўлинг, тўғри, ҳаққоний сўзларни ёзишга интилинг, халқнинг фойдали одатларига ҳурмат қилинг, ёзган асарингиз илм аҳли қошида юзингизнинг қизаришига сабабчи бўлмасин. Ўз даражангиз, иқтидорингизга риоя этинг, ўзўзингизни макташга киришманг, киришсангиз, ўзингиз ва ёзган асарингизнинг қадр-қимматини туширасиз.

Агар бир ёзувчини ва унинг асарини таниқ қилмоқчи бўлсангиз, албатта таниқ шартларига риоя қилинг. Аввал ўйланг, ўз илмингиз ва иқтидорингиз у ёзувчидан юқорими, йўқми, агар у ёзувчи юқори бўлса, таниқдга киришманг, киришсангиз, таниқдингиз ҳақиқий таниқд бўлмай, қуруқ сўкишдан, у ёзувчига душман бўлганингиз учун унинг обрўсини туширишни истаганингиздан иборат бўлиб қолади.

Таниқиддан мақсад асар эгасининг камчиликларини дўстона кўрсатиб, унга ёрдам беришдир. Таниқд қилувчи киши билан таниқд қилинган киши бир-бирига душман эмас, балки тўғри йўлни топиш тўғрисида биргаликда гайрат қилувчилар бир-бирларига ёрдамчидирлар, душманлик таъсири орқасида, ёки интиқом олиш қасди билан қилинган таниқд илм одобига хиёнат, таниқд услубига жиноятдир, бу эса ахлоқ назарида ҳам, ижтимоий назарда ҳам мамнуъ бир ишдир, буни таниқдчилар эсдан чиқармасинлар.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ОНА СОВҒАСИ

(ШИНГИЛ ҲИКОЯ)

Онам мен билан худди бир йил учрашмагандек кўришди:

— Вой болагинамдан айланай, тинчмисан, болаларинг яхшимми? Ўзинг соғ-саломатмисан?

Жилмаяман:

— Онажон, атиги уч кун олдин кўришгандик-ку, дарров соғиниб қолдингизми?

— Сен ҳам мендек бўлганда биласан. Қани кел, кўрпачага ўтир.

Хонтахта усти бир пасда ҳовлидаги мевали дарахтлардан узилган гилос, олма, ҳозиргина тандирдан олинган нонга тўлиб кетди. Озроқ тамадди қилгач, келтирган совғани унга узатаман:

— Байрамингиз билан табриклайман, онажон, бахтимизга узоқ йиллар соғ-саломат бўлинг.

Онам оқ қоғозга ўроғлиқ рўмолни очиб кўриб, қувониб кетади:

— Вой, нима қилардинг овора бўлиб, ўзингни кўриш ҳар қандай совға-саломдан ҳам яхши. Бир пас ўтиргин болам, мен дарров иссиқ овқат тайёрлаб келаман.

— Керак эмас, хафа бўлманг, ўзингиз биласиз, хизматчилик...

Онам кўзларида ўрлини олис сафарга кузатаётгандек мунг пайдо бўлди.

— Бир пас ўтирмадинг-да, гаплашардик.

— Якшанба албатта келаман, хайр.

Шанба ишдан қайтсам, уйда онам ўтирибди.

— Якшанбагача чидай олмадим, — деди у қучоқлаб кўришаркан. — Бунинг устига туғилган кунинг билан табриклаб кетай дедим.

У ўзи келтирган тугунни ечиб, ичидан янги чуст дўппи, кўйлак, шим олди:

— Кийиб адо қилгин, болам.

Мен бундан икки кун илгари байрам муносабати билан унга олиб борган совғамнинг жуда оддийлигидан ҳиқолат чекдим. Онам буни сезмагандек деди:

— «Оқ чашма»нинг пулидан. Ахир сигирда сенинг ҳам ҳаққинг бор, болам!

— Менинг ҳаққим? Йўқ. Аксинча дунёга келтирган, ювиб-тараб катта қилган фарзандингиз Сиздан қарздорлигини нахотки билмайсиз онажон?!

Абдусаттор ХАТАМОВ.

Киров районининг 200 дан зиёд ишчи, студент ва ўқувчи ёшлари шу райондаги Абдулла Қодирий номли маданият уйининг тўгаракларида фаол иштирок этмоқда. Айниқса бадиий-ҳаваскорлик тўгаракларига жуда ҳам кўп ишчи ва студент ёшлар қатнашадилар.

СУРАТДА: вокал-чолғу ансамблининг чиқиши.

М. Нуриддинов фотолари.

ТОС Справкалар бюроси

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. МАҲКАМОВ: Айтингчи, ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари кимларга ёрдам кўрсатиши мумкин?

Жавоб: Касаба союзларининг фабрика, завод маҳаллий комитетлари ҳузуридаги ижтимоий ўзаро ёрдам кассалари ишчи ва хизматчиларга узоқ ва қисқа муддатга қарз берадилар. Қолхозлардаги ўзаро ёрдам кассалари колхозчиларга, ижодий союзларнинг фондлари адабиёт ва санъат ходимларига қарз берадилар. Қарзларнинг муддатлари ва уларнинг берилиш шартлари ижтимоий ўзаро ёрдам кассаларининг типовой устави ва ижодий союзлар фондларининг устави билан белгиланади. Қарз белгиланган муддатда қайтарилмагани ҳолда, қарз олувчига нисбатан жамоат йўли билан таъсир қилиш чоралари қўлланилади. Агар қарздор қарзни тўлашдан бош тортса, қарз Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан белгиланган тартибда ундирилади.

* * *

Б. ОДИЛОВ: Мен шаҳримиздаги ҳунартехника билим юртларидан бирида таълим оламан. Бу йил шу билим юртини тугаллайман. Бизга ўхшаш кишиларга билим юртини битириб чиққандан кейин қанча муддатга отпуска берилади?

Жавоб: Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига улар ўқишни тугаллаганларидан сўнг бу ёшлар ишга йўлланма олган корхоналар, қурилишлар, совхозлар ва ташкилотлар ҳисобидан отпуска берилади. 18 ёшга тўлмаган шахсларга бир ой миқдорида отпуска бериш белгиланган. Бошқа битирувчиларга эса улар танлаган касби, ихтисослик ходимлари учун корхоналарда белгиланган муддат ҳақимда отпуска берилади.

* * *

К. ДАМИНОВ: Заводда меҳнат қиламан. Шу боисдан мени ушбу масала қизиқтиради: корхона ва ташкилотларнинг маъмурияти ходимнинг хоҳишини ҳисобга олмасдан туриб уни меҳнат отпускасига чиқишига мажбур этиши мумкинми?

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари тўғрисидаги кодексининг 79 ва 84-моддаларига мувофиқ барча ишчи ва хизматчиларга йиллик отпускалар маъмуриятнинг касаба союзлари фабрика-завод маҳаллий комитети билан келишувга кўра белгиланган навбати бўйича, ходимнинг хоҳиши ва корхона (муассаса, ташкилот)нинг нормал ишини таъминлаш манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Маъмурият томонидан йиллик отпускани ходим илтимосига мувофиқ келгуси йилга кўчириш қонун йўли билан тақиқланган. Демак, агар Сизга ўзингиз меҳнат қилаётган корхона маъмурияти тасдиқланган график бўйича отпускага чиқишингизни таклиф этса, уни рад қилишга ҳақ қингиз йўқ.

Шанба оқшоми

• *Ёш ижодкорлар, Сизлар учун*

Халқ ёзувчиси иштирокида

Партия ва ҳукуматимиз ижодкор ёшлар ҳақида оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг ташаббуси билан эса тез-тез семинарлар, мушоира кечалари ўтказилмоқда. Бу семинарлар, учрашувларда ижод сирлари ҳақида мулоҳаза юритилади, ёшларга қимматли йўл-йўриқлар берилади., Жумладан, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи қошидаги ёш ёзувчилар билан ишлаш кенгашининг бу борада олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир. Шу кенгашнинг навбатдаги семинар машғулоти шу йилнинг 18 майида соат 18.00 да Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида ўтказилади. Семинарнинг бу галги машғулотида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати Назир Сафаров билан суҳбат ва ёш шоирлар иштирокида мушоира бўлади.

Унда семинар иштирокчилари ва барча қизиққан ўртоқлар қатнашишлари мумкин.

• *Бу китобни ўқинг*

«ОШКЎК ВА ЗИРАВОРЛАР ХОСИЯТИ»

Наботот — ҳаёт манбаи, деймиз. Олим Маннон Набиев «Ошкўк ва зираворлар хосияти» деган китобчасида медицина амалиётида инобатга олинган, халқ тиббиётида кенг тарқалган шифобахш гиёҳлар ҳақида сўз юритади.

Табобат соҳасидаги буюк табиблардан Гален, Гиппократ, Аристотель, Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Амирдавлат доривор ўсимлик маҳсулотларидан тадбиркорона фойдаланиб келганлар ва ўз китобларида шифобахш нозноматлар тўғрисида анча-мунча маълумотлар қолдирганлар.

Ҳозирда илмий текширишлар шуни кўрсатадики, мазкур ўсимликларнинг янгидан-янги шифобахш хусусиятлари аниқланмоқда. Медицинамизда қўлланилаётган дори-дармонлар нинг садмоқли қисми (40 процентдан зиёди) ўсимлик маҳсулотларидан олинмоқда.

Табобат оламидан олинадиган дори-дармонлар химио-терапевтик-сунъий равишда олинадиган дори препаратларнинг афзаллиги билан ажралиб туради. Ўсимликлардан олинган дори-дармонлар деярли асоратсиз ҳисобланади.

М. Набиев китобида ўзбек дастурхони-таомларини безайдиган ошкўк ва зираворлар тўғрисида, уларнинг табобатдаги ўрни ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Жумладан, керқалампирнинг меъда хасталикларига, камқонликка даволиги, доғлардан ҳоли қилиши, жамбил эса қоқшол, қуёнчиққа, диққинафасга малҳамлиги, зиранинг балғам кўчириши, қора қанднинг юрак оғриғи, бош истиробаси, қон босимини туширши, исмалоқнинг асабга таскин бериши, кашничнинг гижжа ҳайдаши, мурчнинг эт увишишини йўқотиши, петрушканинг қовуқ, буйрак касалликларидан ҳоли қилиши, райҳонли димлама тиш оғриғига фойдалилиги, семизўт ўт сапор хайдаши каби ва яна бир қанча зираворларнинг хосиятлари илмий асосда баён этилган.

«Ошкўк ва зираворлар хосияти» ҳар бир хонадонда ўрин топишига аминмиз.

Б. ҚОСИМОВ
биология фанлари кандидати.

• *Ажаб дунё экан*

Бир сутка 20 соатдан бўлса

Ҳиндистонлик бир ҳарбий хизматчи вақтнинг янги — метрик ўлчовини таклиф этмоқда. Унинг бу таклифи қабул қилинса, у ҳолда бир сутка 20 соатдан, бир соат —100 минутдан, бир минут — 100 секунддан иборат бўлади. 10 суткани «декаденги» бир йил (бу ҳисоб ҳозирги 2 йилимизга тўғри келади) деб аташни таклиф қилаётир. Бу таклиф одамларга маъқул бўлармикин?

Беҳининг олтин нави

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Волгоград тажриба станцияси ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати А. Лобачёв беҳининг ҳушбўй, совуққа чидамли янги навини яратди. У беҳининг Астрахань навига Америка ва Ғарбий Европа навини 40 йилдан бери чатиштира чатиштира охири совуққа чидамли ҳамда олмадек бемалол ояверишмумкин бўлган беҳи етиштиришга муваффақ бўлди.

А. Лобачёвнинг янги нав беҳиси мутахассислар томонидан юқори баҳоланди ва у Бутуниттифоқ Халқ Хўжалик Ютуқлари виставкасининг кумуш медали билан тақдирланди.

Осмон меҳмонларини кутиб олинг

Донбасслик геологлар ўтган йилнинг 3 июнида Артёмовск шаҳри яқинида осмондан тушган метеорит топишди. Метеоритлар коинот жисмлари составини, тузилишини, зичлигини ўрганишга илм-фан учун муҳим манба ҳисобланади. Шунинг учун СССР Фанлар академиясининг метеоритлар комитети метеорит топган кишиларга пул мукофотлари тўлайди.

Икки йил ичида мамлакатимиз ерга 161 та метеорит тушганлиги қайд қилинди. Артёмовскдан топилгани 162 чиси деб рўйхатга олинди.

Бир йўла тўртта туғилди

Яқинда Киевдаги Бровар район марказий туғруқхонасида санитарка Надежда Николаевна Кошеварова бир йўла тўртта бола туғди. Эги закларнинг бири ўғил, учтаси қиз экан.

Аввал Украинада бир йўла тўртта туққан уч ойла эгизак болалари билан соғ-саломат яшаб келмоқда эди. Энди Кошеваровалар ойласи тўртинчси бўлди.

Статистика маълуматларига қараганда, ҳар 86 аёлдан бирида иккитадан, ҳар 10 мингдан бирида учтадан, ҳар 600 мингдан бирида — тўрттадан эгизак туғиш ҳодисаси учрар экан.

С. ҒАФУРОВ тўплаган.

Тошкент заргарлик заводида арзон ва бежирим зеб-зийнат буюмларини ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Турли зираклар, узуклар шулар жумласидандир.

СУРАТДА: янги заргарлик маҳсулотларидан намуналар.

МЎЪЖИЗАЛАР ОЛАМИДА

ҚИРҚ БЕШ ХИЛ

Сочи шаҳридаги тоғ боғдорчилиги ва гулчилиги илмий текшириш институти территориясида 1934 йилдан бери «дўстлик дарахти» ўсади. Машҳур «Челюскин» эпопеясининг қаҳрамони О. Ю. Шмидт 1940 йили биринчи бўлиб шу дарахтга қаламча пайванд қилди. У яхши тутди. Апельсин ва мандарин баравар ўса бошлади. Сочига келган донгдор кишилар бу дарахтга қаламча пайванд қилиши анъанага айланган.

«Дўстлик дарахти» шохларида Америка грейпфрутлари, япон мандарини, Жазоир апельсини каби 45 хил мева пишади.

ДАРАХТДАГИ КОНФЕТ

Қора денгиз бўйидаги Украина ерларида мевали ғалати дарахт ўсади. Бу дарахтнинг меваси худди конфетга ўхшайди. Унинг меваси ширин бўлиб, 23 процентини қанд моддаси ташкил этади.

Конфет дарахти асли Япония ва Хитойда ўсади. Ёғочи қизил ва қаттиқ бўлгани учун ундан турли мебеллар ясалади.

ҚОВУН ДАРАХТИ

Қовун дарахти борми, деб ўйларсиз. Ҳа, бор. Ҳиндистонда қовун дарахтлари ўстирилади. Уруғдан чиққан қовун ниҳоли 10 ойдан сўнг мевалайди. Дарахт 2—3 ёшга кирганда энг кўп ҳосил бера бошлайди, сўнг 10 ёшгача мева қилади.

Қовун дарахтининг ҳар тупи йилига 30 тадан 150 тагача мева солади. Мевасининг вазни ярим килодан 8 килогача бўлади.

Ҳозирги пайтда Ҳиндистондан ташқари Шри Ланка, Танзания, Жанубий Африка, Гавай оролларида, Бразилия, Мексика ороллари, Флоридада қовун дарахти плантациялари бор.

• *Дам олиш соатида*

«Футболчилар» чайнворди



1. 1981 йил СССР футбол чемпионатининг энг моҳир ўйинчиси. 2. «Пахтакор» футбол командаси ярим ҳимоячиси. 3. «Олтин тўп», мукофотига уч бор сазовор бўлган Голландия футболчиси. 4. СССР чемпионатида юзтадан кўп тўп киритган футболчилар клуби. 5. Москва олимпиадаси голиби бўлган Чехословакия теома командаси футболчиси. 6. «Динамо» (Тбилиси) командаси ҳужумчиси. 7. «Торпедо» (Москва) командаси футболчиси. 8. 1978 йил жаҳон футбол чемпионати голиби бўлган Аргентина командаси аъзоси. 9. Машҳур футбол дарвозабони. 10. Хельсинки олимпия ўйинлари голиби бўлган ватанимиз футбол командаси капитани. 11. Бразилия терма командаси футболчиси. 12. ГФР терма командасининг моҳир футболчиси.

Тузувчи: Ф. ОРИПОВ.

8 МАЙДАГИ КРОССЧАЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

1. Шар. 2. Рим. 3. Мих. 4. Хат. 5. Тор. 6. Рух. 7. Хум. 8. Май. 9. Йил. 10. Лом. 11. Мот. 12. Тош. 13. Код. 14. Даф. 15. Фин. 16. Нил. 17. Лас. 18. Соч. 19. Чуд. 20. Дуб. 21. Бак. 22. Кит. 23. Тол. 24. Лак.

* * *

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссчайнвордларга А. Аюбов, Ҳ. Байдуллаев, Х. Мирзарахимов, М. Холбердиев, А. Орипов, А. Ахмедов, Х. Шаҳобиддинов, Б. Шоикромов, А. Расулов, М. Парпиева ва бошқа ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Хат йўллаган оқшомхонларга редакция ташаккур билдиради.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

17 май соат 18.30 да «Билимлар уйи»да (Киров кўчаси, 24) халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш факультетида навбатдаги машғулот ўтказилади. СССР журналистлар союзининг аъзоси Н. С. Злобин «Ҳозирги босқичда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати» мавзуида лекция ўқийди.

Фарзандларингиз учун

БАҲОР

Баҳор келди юртимга,
Бу завқ бермайди кимга?
Борлиқ кийди кўк либос,
Адир, қирлар қандай соз.
Очилди турфа гуллар,
Завққа тўлди кўнгиллар.
Дарёлар тошиб кетди,
Ҳаддидан ошиб кетди.
Анҳор тўлиб сув келар,
Дур келар, инжу келар.
Дармон бўлар экинга,
Ишни қўймай кейинга.

Далага чиқди деҳқон,
Бекор кетмас вақт, имкон.
Кузда ҳайдалган замин,
Киш бўйи олди дамин.
Далаларда қайнар иш,
Бошланди чигит экиш.
Чамак-чаман боғлардан,
Кўм-кўк қир, ўтлоқлардан
Келар қушларнинг саси,
Келмас кимнинг ҳаваси?

Талъат СОЛИЕВ.

Қизиқарли лаҳзалик

ТИРИК КОНСЕРВАЛАР

Консерва тайёрлаш усули ҳали кашф этилмаган, холодильниклар ижод қилинмаган пайтларда гўштни узоқ вақт сақлаш анча муаммо бўлган. Гўштни тириклигича сақлаш усулини дастлаб пароходларнинг ошхоналаридаги пазандалар кашф қилишган. Бундай гўшт тошбақаники бўлиб, бу жонивор асрасрлар мобайнида денгизчиларга узоқ сафарларда жуда асқотган.

Тошбақанинг энг кичкинаси 300 грамм, энг каттаси эса 500 килограмм гўшт қилади. Буни пиширган ва еган кишиларнинг гувоҳлик беришича, шу жонивор гўшти кийик гўштига ўхшаб кетар, аммо сели анча кўпроқ бўлиб, нафислиги товуқ гўштига тенг келар экан.

Денгизларда яшайдиган тошбақалар худди балиқлар нимани еса, булар ҳам шуни ейди. Кўриниб турибдики, тошбақаларнинг озиқланиши гўштининг лукмаи ҳалоллигидан далолат бериб турибди.

Тошбақа гўштини асосан денгизчилар ва денгиз соҳилларида яшовчи халқлар жуда нафис ва ноёб таом сифатида истеъмол қилгадилар. Олис океанлар исканжасида адашиб қолган, егулик нарсаси тугаган ва ҳатто балиқ тутишга ҳам имкони қолмаган ҳолларда денгизчиларга кўплаб ғамлаб олинган тошбақалар асқотган. Пароход палубалари ва трюмларига оёғини осмонга қилиб тўнтариб қўйилган тошбақалар ҳафталаб, ҳатто ойлаб типирчилаб ётаверади. Худди мана шу тирик консервалардан пароход пазандалари хоҳлаган овқатни тайёрлайверганлар.

Эндиликда гўштдан, балиқдан ва мевалардан тайёрланадиган консерваларнинг ижод этилганига атиги бир аср бўлди холос, холодильникнинг кашф қилинганига эса 50 йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо тирик консервалардан фойдаланиш 300 йилдан буён давом этади. Шунча давр ичида бу тансиқ таом юзминглаб денгизчиларни очлик офатидан сақлаб қолган.

Яқиндагина Тинч океанда адашиб қолган Австралиянинг елканли кемасидаги 200 чамаси одамларнинг ҳаётини ҳам тирик консервалар сақлаб қолди.

К. МАҲМУДОВ.

— Таранг қилмай узат. Етиб қолгунча отиб қоламан!

— Болангизга қаранг, келинпошша.

— Қўяверинг, кўп йиғласа, кўзи қора бўлади.

— Юрагим ёняпти, жоним.

— Енса, мана бу сувни заҳарингизга ичиб юборинг!

— У хўжайинни елпийми, бу хўжайинними?

Р. УБАЙДУЛЛАЕВ расмлари.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

3 Тошкент бет Оқшоми

15 МАЙ, 1982 й.

Ҳафталик программа

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

17 МАЙ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Еттинчи жин». Телевизион бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 11.10 Москва шаҳар болалар бадиий коллективларининг чиқиши. 12.05 «Хайвонот оламида». 13.05 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Қишлоқда ҳамманинг кўз олдида». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 С. Багрицкий поэзияси. 16.20 Норвегиянинг миллий байрами —Конституция кунига. «Норвегиянинг қадимий қўшиқлари. 16.50 Дзю-до кураши бўйича Европа чемпионати. 17.25 Красная Пресняданги ёшлар театр студияси Б. Горбатовнинг «Оталар ёшлиги» пьесаси асосида саҳналаштирган фильм-спектакль премьераси. 18.30 «Сиз яратган боғ». 19.00 «Футбол шарҳи». 19.30 КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ —ҲАЁТГА! Ўғлич соатсозлик заводида ВЛКСМ XIX съездига бағишланган социалистик мусобақа ҳақида. 20.00 Ёшлар ҳақидаги қўшиқлардан концерт. 20.30 «Ёшлар адреслари». 21.30 «Время». 22.00 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН СПОРТ БАЙРАМИ. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 «Халқаро панорама». 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Ҳайкалтарош Маннзер». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Серташвиш ёшлик». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Тулки Лариска қандай қилиб хазина излади». Қўғирчоқ фильм. 18.20 «Пионер дружиналари Бутуниттифоқ маршида». 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ватанга сидқидилдан хизмат қилайлик (рус.). 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Шеърият билан учрашув». Кўрсатувда Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари иштирок этади. 20.15 «Чорвачилик — зардбор фронт». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Узбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.15 Узбекистон ўқитувчиларининг VI съездига. «Устоз ва мураббий». 23.15 Янгиликлар.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Комсомол». Телефильм. 18.30 «Биз галлакор авлодиданмиз». Телевизион фильм. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Олий математика. 19.50 «Қашқар». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ўқитувчи, сенинг номинг олдида...» Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 21.30 МТ II.

18 МАЙ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Москва». Кинокўрсатув. 9.50 «Улар биринчилардан эдилар». Бадиий фильм. 11.25 «Бизнинг меҳнаткаш ешлигимиз». Совет қўшиқларидан концерт. 11.50 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Комсомол — менинг тақдирим». Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.25 Халқаро Музейлар куни. 17.00 «Қўшиқ ҳақида достон». Фильм-концерт.

18.20 В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 60 йиллигига. «Гантанали равишда ваъда бераман». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 3-фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Қозоғистон ССР Давлат ашула ва рақс ансамблининг концерти. Олмаотадан олиб кўрсатилади. 20.05 «Уз ерингни топ». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.20 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Олам кинокамера кўзгусида». 23.30 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Бизнинг қурилиш». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 12.55 Шахмат мактаби. 10.05 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади!» Қишлоқ механизаторлари тайёрлаш ҳақида. 10.35 ва 11.35 Табиатшунослик. 2-синф. Кўклама колхоза. 10.55 «Саян шаршаралари». Илмий-оммабоп фильм. 11.05 Совет тасвирий санъатида коммунист образи. 11.55 Н. Ассев поэзияси. 12.35 ва 13.40 Ботаника. 5-синф. Ёғли кузатишлар. 13.25 «Тупроқнинг сирли олами». Илмий-оммабоп фильм. 14.00 «Томск жилоларн». Илмий-оммабоп фильм. 14.10 «Сенинг ленинча кутуҳонанг». Ешлар союзларининг вазифалари». 14.50 «Пўлат қандай тобланди». Н. Островский ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.35 «Партбилет ҳақида сўз». 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 А. Скрябин. «Прометей» («Олов поэмаси»). Фортепьяно, хор ва оркестр ижроси учун. 19.15 «Кучлилар, довюраклар, эпчиллар». 20.00 «Социалистик мамлакатлар дўстлик кубоги» учун мотоспорт бўйича Халқаро мусобақалар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Спорт ҳафталиги. 21.15 «Жаҳон велосипед пойгаси». Польшадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.15 «Қизил агитатор Трофим Глушков». Телевизион бадиий фильм. 23.55 Москва камер оркестрининг концерти.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Қурбақа ва эдельвейс». 12.05 «Киев ҳақида табассум билан». Телевизион фильм. 12.30 Адабиёт. Адабиёт назариясига оид материалларни такрорлаш. 13.00 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Шоирлар—болаларга». Зафар Диёр. 18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мен— комсомол». ВЛКСМ XIX съездига бағишланади. 19.00 «Фалсафа ва маданият». СССР ва ГДР философларининг XI конференцияси. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Халқаро Музейлар кунига. «Узбекистон Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». «XX аср француз рассомлари». 20.15 «Ғўза парваришига — аъло сифат». 20.30 «Ахборот». 20.50 Узбекистон телевидениеси ва радиоси ёш солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Оловли соҳил». Бадиий фильм. («Ўзбекфильм»). 23.30 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Денгиз ёнидаги музей». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.35 Реклама. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.50 «Гжель жилолари». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Одесса этагидаги чўлда». Телефильм. 20.30 Абитуриентлар учун. Математика. 21.30 МТ II.

19 МАЙ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

9.00 «Время». 10.05 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.10 «Киносаёҳатчилар клуби». 12.10 Янгиликлар. 14.05 Янгиликлар. 14.25 В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. 15.30 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.05 В. Маяковский. «Шеър қандай ёзилади». 16.45 Шахмат мактаби. Разрядлилар учун. 17.15 «Салют: пионерия!». Пионерлар қўшиғи байрами.

18.40 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Бизнинг болаларимиз». Киноэтюд. 19.35 «Фан оламида». 20.20 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 ВЛКСМ XIX съезди делегатлари учун концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 24.00 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Бизни кутинг, юлдузлар». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 Ота-оналар. Сизлар учун. 10.05 Немис тили. 2-йил. шуғулланаётганлар учун. 10.35 ва 11.35 География. 7-синф. СССРда табиатни муҳофаза қилиш. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. 12.05 «Тонгги шафақдан тунги шафаққа». Илмий-оммабоп фильм. 12.25 П. И. Чайковский. «Йил фасллари». 12.55 Совет тасвирий санъатида тарихий-революцион мавзу. 13.30 В. И. Лебедев-Кумач шеърлари ва қўшиқлари. 14.00 Социалистик халқ хўжалиги. 14.45 Еш қаҳрамонлар Улуғ Ватан урушида. 15.15 А. П. Гайдар ҳаёти ва китоблари. 16.00 Ўқитувчи экрани. Табиатшунослик. 2-синф.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Чехословакия саҳифалари». Кинопрограмма. 19.40 «Қадимий романс». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Жасорат». 21.15 Жаҳон велосипед пойгаси. Польшадан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.15 «Нина». Бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

8.25 Кўрсатувлар программаси. 8.30 В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎНГ ҚАНОТ ДРУЖИНАЛАРИ ПАРАДИ ВА ТАНТАНАЛИ ЛИНЕЙКАСИ. 10.00 «Биз — пионерлармиз». Телевизион ҳужжатли фильм. 11.00 «Қувноқ камалақ». Болалар учун фильм-концерт. 11.30 Физика. Физика ва илмий техника революцияси. 12.00 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий). 12.30 Физика. Физика ва илмий техника революцияси (рус.). 13.00 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. (рус.).

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 В. И. ЛЕНИН НОМЛИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎНГ ҚАНОТ ДРУЖИНАЛАРИ ПАРАДИ ВА ТАНТАНАЛИ ЛИНЕЙКАСИ. Трансляция пайтида ёзиб олинган. 18.45 Бутуниттифоқ пионер ташкилоти — 60 ёшда. «Узбекистон пионерларининг байрами». 19.30 «Ахборот (рус.). 19.45 Бутуниттифоқ пионер ташкилоти — 60 ёшда. «Узбекистон пионерларининг байрами» (давоми). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Куйла, йигирма ёшим». Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреатларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.30 «Олтин эшелон». Бадиий фильм. 00.05 Янгиликлар.

II

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Ташаббускорлар марши». Ҳужжатли фильм. 19.05 «Маданий меросимиздан». Алиакбар Собир туғилган куннинг 120 йиллигига. 19.30 Қизиқарли математика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Воронок». Телефильм. 20.30 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 21.30 МТ II.

20 МАЙ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Сакраш». Мультфильм. 10.00 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.05 А. В. Александров номли икки марта Қизил Байроқли Совет Армияси академик ашула ва рақс ансамблининг чиқиши. 11.55 «Баландлик». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Сибирь ва Узоқ Шарқ бўйлаб». «Кинопрограмма». 16.30 «Асли болаликдан». Ленин комсомоли мукофоти лауреати, ёзувчи В. Крапивин асарлари саҳифаларида. 17.15 ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри духовой оркестрининг концерти.

18.00 «Миллионлар ленинча университети». 18.30 «Расмларда қуёш акси бор». 18.45 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 Ёшлар ва студентларнинг IX жаҳон фестивали лауреати, Кировоград шаҳар Украина ССРда хизмат кўрсатган «Ятрань» халқ рақс ансамблининг чиқиши. 20.05 «Мамлакат далаларида». Харьков область Первомайский район қишлоқ хўжалик химиясининг иш тажрибаси ҳақида. 20.20 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Дўстларимиз чеҳраси». 22.50 «Дунё воқеалари». 23.15 Ж. Верди, М. Глинка, С. Прокофьев операларидан ариялар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «210-номерли кашфиёт». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.05 Сиз яратган боғ. 10.05 ва 12.05 Испан тили. 10.35 ва 11.35 Умумий биология. 10-синф. Биосфера ва инсон. 11.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 12.35 ва 13.35 И. В. Гёте. «Фауст». 9-синф. 14.05 «Отпускага чиқолмади» Бадиий фильм (субтитр билан). 15.20 Ўқитувчи экрани. Музика. 4-синф. Жаҳон халқларининг куйлари. 15.50 Э. Межелайтис поэзияси. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 «Чой, тешикчулча ва кино». Телевизион ҳужжатли фильм (Киров шаҳри). 20.10 «Михаил Мунтяну куйлайди». Фильм-концерт премьераси («Телефильм-Кишинэу»). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Халқ куйлари. 21.00 «Ихтирочи муаммолар даврасида». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Биринчи муҳаббат ҳақида етти кичик ҳикоя». Телевизион бадиий фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Зоология. Сут эмизувчилар ҳаёмияти ва уларни ССРда муҳофаза қилиш (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун «Санъат ғунчалари» (такрорий). 12.30 Зоология. Сут эмизувчилар ҳаёмияти ва уларни ССРда муҳофаза қилиш. 13.00 «Олтин эшелон». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Дарслар тайёрланмайдиган мамлакатда». Мультфильм. 18.30 «Иккинчи она тилимизни ўрганамиз». 19.00 Маҳаллий Советларга сайловлар олдидан. «Давлат —бу биз». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Киноредакция почтасидан». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қизлар гулдасталари». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «ОЗОД ВАТАНИМИЗ, ОРТСИН ШОН-ШУҲРАТИНГ!» СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Белоруссия телевидениесининг программаси. Кўрсатув тугагач — Янгиликлар.

II

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Қизил қуёш нур сочавер». Телевизион фильм. 18.50 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 19.50 «Финифть». Ҳужжатли фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «0—42» қаерда!» Бадиий фильм. 21.30 МТ. II.

21 МАЙ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 «Қизча ва шер». Мультфильм. 10.05 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.10 СССР халқларининг музикали фольклори. 11.55 «Совдеп». Телевизион ҳужжатли фильм. 12.25 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 СССР халқ артисти Б. Руденко ва халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева концерти. 16.45 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув программаси. 17.30 «Рус тили».

18.00 «Москва ва москваликлар». 18.30 «Қувноқ нотачалар». 18.45 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «И. Штраус асарлари». 20.20 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия. 21.30 «Время». 22.15 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти. 23.10 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 «Бахтиёр оила». Телевизион ҳужжатли фильм (Боку). 9.35 Совет монументал ва портрет ҳайкалтарошлири. 10.05 ва 12.05 Инглиз тили. 10.35 ва 11.35 География. 8-синф. Ўрта Осиё иқтисодий райони. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Физика. Механика ва ишлаб чиқаришни механизациялаш. 12.35 ва 13.40 География. 5-синф. Ер шари аҳолиси. 13.05 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 14.10 «Ўқитувчилар кенгашишмоқда». Ереванда VI Бутуниттифоқ педагогик ўқишлари. 14.40 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 14.55 «Мен флотни ишлаяпман». Л. Соболев асарлари саҳифаларида. 15.50 Ўқитувчи экрани. Тарих. 4-синф. Совет кишилари коммунизм қурмоқдалар. 16.20 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 Д. Браунинг чалади (фортепьяно). (АҚШ). 19.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 20.20 РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Толстая чалади (арфа). 20.30 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Жаҳон велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади. 21.00 «Шеърлар ва рельслар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.15 «Хотиним буви бўлди». Телевизион бадиий фильм. 23.30 Сув полоси бўйича халқаро турнир. СССР —I — Голландия терма командалари. 24.00 Огир атлетика бўйича СССР чемпионати.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Рус адабиёти. А. С. Пушкин қадамжолари бўйлаб. «Болдино» (рус.). 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор» (такрорий).

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Винни-Пух меҳмонга боради». Мультфильм. 18.00 «Бригада пудратининг шаҳдам одимлари». Фарғона қишлоқ қурувчиларининг тажрибаси ҳақида ҳикоя. 18.30 Педагогика билим юртлари ўқувчи бадиий ҳаваскорлари VIII Республика кўрик-конкурси голибларининг якунловчи концерти. Ҳамза номли академик драма театрида трансляция пайтида ёзиб олинган. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». (рус.). 20.15 «Пилла—бизнинг бойлигимиз». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Чанг тароналари». Рустам Неъматов. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Дунё воқеалари». 22.45 Телевидение экранида биринчи марта. «Туғилиш». Бадиий фильм. 1-серия. 24.00 Янгиликлар.

22 МАЙ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.45 «20 декабрь». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.55 Жаҳон велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади. 11.15 «АБВ Дейка». 11.45 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.15 «Спортлото»нинг 21-тиражи. 12.20 «Кўплаб сифатли товардар етказиб берайлик». 12.50 Бутунроссия конкурсининг лауреати, гитарачи А. Фраучи чалади. 13.10 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 13.45 «Ўсимликлар олами». 14.30 Шри Ланка республикаси эълон қилинган куннинг йиллигига. «Шри Ланка —ажойиб орол». Кинопрограмма. 14.55 «Дунё воқеалари». 15.10 Болалар учун фильм. «Қизил галстук». 16.25 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 17.25 «Солдат ва бог». Мультфильм премьераси. 17.35 «Советлар ва ҳаёт».

18.05 СССР халқ артисти Е. Нестеренко концерти. 18.45 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 19.15 Тинчликни сақлаш Совет комитетининг раиси Ю. А. Жуков суҳбати. 20.00 Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. 21.30 «Время». 22.00 «Игорь Моисеев балети». Фильм-концерт премьераси. 23.00 Янги ҳужжатли фильмлар программаси: «Дўстлик дарёси» (Киев). «Волга» (Куйбишев кинохроника студияси). 23.35 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 10.05 «Тонгги почта» музикали программаси. 10.35 М. Горький. «Лочин қўшиғи», «Бўрон қуши ҳақида қўшиқ». 11.00 «Раиса Стручкова». Ҳужжатли фильм. 11.20 «Биринчи муҳаббат ҳақида етти кичик ҳикоя». Телевизион бадиий фильм. 12.25 «Правда» ҳақида сўз». Телевизион ҳужжатли фильм.

Белоруссия ССР телевидениесининг программаси

13.30 Белорус шоирларининг шеърлари. 13.40 «Прясница» болалар фольклор ансамблининг чиқиши. 13.50 «Мулоҳазалар». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик П. И. Альсмики ҳақида ҳужжатли фильм. 14.10 Композитор И. Лученок билан учрашув. 14.30 В. Маяковский. «Мистерия-Буфф». Евг. Вахтангов номли Давлат академик театрининг фильм-спектакли. 16.45 Сув полоси бўйича халқаро турнир. Испания — СССР терма командалари. 17.20 Огир атлетика бўйича СССР чемпионати. 17.35 «Музикали киоск».

18.05 Халқаро обзор. 18.20 «Бумбараш». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо» (Москва). 2-тайм. 22.45 Жаҳон велосипед пойгаси. ГДРдан олиб кўрсатилади. 23.00 Огир атлетика бўйича СССР чемпионати.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун. «Сўз кетидан сўз келар». 10.30 Спорт программаси: 1. Узбекистон XIX спартакиадаси. Сув полоси. «Текстильщик» бассейнидан ёзиб олинган репортаж. 2. Шахмат мактаби. 11.30 «Инсон ва қонун». 12.00 Телевизион театр. С. Алёшин. «Ҳамма нарса одамларга қоладн». 1-қисм. 13.30 «Келажакни ўйлаб...». Оқ олтин гидромелиоратив техникуми ҳақида ҳикоя. «Чўл гидромелиораторлари». 14.00 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 Болалар учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.30 «Бугун А. Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институтида». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан». «Ҳужжатли кино экрани». 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Қориёқубов номли Узбек Давлат филармонияси «Лазги» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Партия чақириғига жавобан. «Қорақалпоғистон шолиси». 22.20 Телевидение экранида биринчи марта. «Туғилиш». Бадиий фильм. 2-серия. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Костёр». 18.40 Мультфильмлар программаси: «Қушлар байрами», «Довюрак чигиртка». 19.00 «Новости». 19.20 «Саратов каштаси». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Табиат ва биз». 20.00 «Ахбор». 20.25 «Инсон туғилди». Телевизион бадиий фильм. 20.50 «Тог тароналари». Концерт. 21.30 МТ II.

23 МАЙ — ЯКШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Қўшиқ билан яшаймиз ва яратамиз». Киноконцерт. 10.25 «Будильник». 10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.55 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 12.40 «Тонгги почта» музикали программаси. 13.10 «Қишлоқ янгиликлари». 14.10 «Музикали киоск». 14.40 «Ҳаётга таклиф». А. С. Пушкин номли Ленинград Давлат академик драма театрининг фильм-спектакли. Л. Леоновнинг «Рус ўрмони» романи асосида. 17.05 ВЛКСМ XIX СЪЕЗДИ КУНДАЛИГИ. 17.35 «Киносаёҳатчилар клуби». 18.35 «Халқаро панорама». 19.20 «Ҳаётга йўлланма». 20.05 «Комсомол. Севги ва баҳор». Цирк томошалари. 21.30 «Время». 22.05 Цирк томошаларининг давоми. 23.15 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.20 «Хотиним буви бўлди». Телевизион бадиий фильм. 10.25 «Ёшлар адреслари». 11.05 «Салют, пионерия!». Ашхобод шаҳар болалар бадиий коллективларининг чиқиши. 12.05 «Хайвонот оламида». 13.05 «Голиблар». Фрондош дўстлар клуби (8-майдаги кўрсатув такрорланади). 14.35 «Америка — ўн йил ўтгач». Телевизион ҳужжатли фильм. Автор — В. Зорин. 15.40 «Мухбирларимиз ҳикол қиладилар». Шарҳ. 16.10 Регби бўйича Европа чемпионати. СССР — Франция терма командалари. 2-тайм. 16.55 «Очиқ китоб». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-фильм. 2-серия.

18.15 Улуғ Октябрнинг 65 йиллигига. «Бизнинг биография». 20-фильм. «1936 йил». 19.15 «Шаршара». Бадиий фильм. 20.30 Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Оқ йўл, узум». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.00 Огир атлетика бўйича СССР чемпионати. 21.30 «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва — «Пахтакор»). 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.50 «Миноралар мамлакатида». Телевизион ҳужжатли фильм. 23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Шахтёр». 2-тайм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 В. И. Ленин номли электрон-техника заводи халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 11.10 Болалар учун. «Ўйлаб топ» (рус.) 11.35 «Шеърият дафтарида». С. Умарова. Кўрсатувни Узбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Гулчеҳра Нуруллаева олиб боради. 12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». 13.00 «Инсон болаликдан бошланади». 13.30 Телевизион театр С. Алёшин. «Ҳамма нарса одамларга қолади». 2-қисм. 14.30 «Инсон ва табиат». (рус.). 15.20 Чим устида хоккей бўйича СССР чемпионати. «Политотдел» (Тошкент области) — «Колос» (Борисполь). «Политотдел» стадионидан репортаж (ёзиб олинган). 15.50 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Мен, сен ва мультик». 19.00 Ал-Хоразмий туғилган куннинг 1200 йиллигига. «Ал-Хоразмий» яшаган давр (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 М. Турғунбоева номли «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. (давоми). 21.30 Москва. «Время». 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва) — «Пахтакор». 2-тайм. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. 22.50 Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро Тошкент кинофестивали олдидан. 23.50 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

16.00 Кўрсатувлар программаси. 16.05 «Экран — болаларга». 16.40 «Китоблар орбитасида». 17.25 «Спорт ҳақида диалог». Турар жой ва ўқув юртларида физкультура ва соғломлаштириш масалалари ҳақида.

Қирғиз тилида:

18.55 Бағишлов концерти. 19.30 «Кайчилаш жолдор». Телепостановка. 21.30 МТ II.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/Уда Ҳар тўқисда бир айб, 16/Уда Шошма, қуёш.

КИНО

15 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНЕД ЭТУВЧИЛАР» — Лисунов номли.

«ГРУЗИЯ — ОЛҒА ВА ЮКСАЛ!» — Қозоғистон.

«АРМАНЧА КЎЗЛАР» —Москва.

«ГУМАНИЗМДАН ТИНЧЛИК САРИ, ТИНЧЛИКДАН МУҲИМ НАРСА ЙЎҚ» — Фестиваль.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

ЕЗГИ БИНОДА

«АСРИМИЗ ЎҒИРЛИГИ» —Хива (22.00, телефон 32-78-02).

ҚИШКИ БИНОДА

«АСРИМИЗ ЎҒИРЛИГИ» —Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ТЕРГОВДА АНИҚЛАНИШИЧА» — Қозоғистон (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Ғ. Ғулом номли (17.00, 20.00, телефон 48-42-80).

«ҚУТУРГАН ПУЛЛАР» — Нунус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76).

«ДУШМАН ОРТИДАГИ ФРОНТ» — Москва номли (17.00, 20.00, телефон 33-05-01).

16 МАЙДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«БУНЕД ЭТУВЧИЛАР» — Лисунов номли.

«ГРУЗИЯ — ОЛҒА ВА ЮКСАЛ!» — Қозоғистон.

«АРМАНЧА КЎЗЛАР» —Москва.

«ГУМАНИЗМДАН ТИНЧЛИК САРИ, ТИНЧЛИКДАН МУҲИМ НАРСА ЙЎҚ» — Фестиваль.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

ЕЗГИ БИНОДА

«АСРИМИЗ ЎҒИРЛИГИ» — Хива (22.00, телефон 32-78-02).

ҚИШКИ БИНОДА

«АСРИМИЗ ЎҒИРЛИГИ» —Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), Қозоғистон (тоқ соатларда, телефон 35-24-92), Мир (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«ТЕРГОВДА АНИҚЛАНИШИЧА» — Қозоғистон (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), Дружба (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), Ғ. Ғулом номли (11, 14.00, 17.00, 20.00, телефон 48-42-80).

«ҚУТУРГАН ПУЛЛАР» — Нунус (тоқ соатларда, телефон 46-70-69). Искра (16, 18, 20.00, телефон 39-11-76).

«ДУШМАН ОРТИДАГИ ФРОНТ» — Москва номли (11, 14, 17, 20.00, телефон 33-05-01).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

14 МАЙДАН БОШЛАБ

ЭМИЛЬ КИО

УЗ ФОКУСЛАРИНИНГ СИРЛАРИНИ ОЧАДИ

Томошада томошабинлар ва 50 та ассистент қатнашади.

Ҳамда Москва циркининг масқарабозлар группаси иштирокида

«КУЛГИ КЕЧАСИ»

Япония радио ва телевидениеси кубогининг эгаси

Иоланта ОЛЬХОВИКОВА — КИО раҳбарлигида

ЎРГАТИЛГАН ТЎТИЛАРНИНГ НОМЕРЛАРИ

Томошалар ҳар куни соат 19.30да, шанба ва якшанба кунлари 13.00, 16.00 ва 19.30да бошланади.

Олдинд